

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXELOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддигов Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Муминов А. Г.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори., с.ф.д.

Ўзбекистон Миллий университети

alisher.nuuz@gmail.com

Эрназаров Ш. Э.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси., PhD

Ўзбекистон Миллий университети

shernazarov61@mail.ru

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола иккинчи жаҳон жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССРда тарихчиларнинг биргаликда олиб борган илмий тадқиқот ишлари ҳамда уларнинг бу йиллардаги тарихнинг номаълум саҳифаларни очиб беришдаги ўрни ва ролига бағишланади.

Калит сўзлар: Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикалари, Москва, Ленинград, Киев, Минск, Воронеж, СССР ФА Ўзбекистон филиали (УзФАН), В.Струве, В.Шишкин, Е.Бертельс, И.Додонов, В.Зоҳидов, Н.Иноят, А.Якубовский, М.Массон, С.Толстов, Я.Ғуломов.

КИРИШ

Иккинчи жаҳон уруши Европа, Африка, Осиё ва Океаниядаги турли фронтларда олиб борилиб, инсоният тарихидаги энг мудҳиш уриш ҳисобланади. Унда дунё бўйича 50 млн.дан ортиқ киши, Ўзбекистондан 263.005 киши ҳалок бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори 1941 – 1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда”[1] - деган таъкидини келтириш ўринлидир.

Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган 1 млн.дан кўпроқ кишини, 200 мингдан зиёд болаларни қабул қилди[2] Айниқса, уруш йилларида Ўзбекистоннинг Россия, Белоруссия ва Украина интеллектуал элитасини сақлаб қолишдаги роли бекиёс бўлганлигини алоҳида айтиш зарур. Бу даврда республикага Москва, Ленинград, Киев,

Минск, Воронеж ва бошқа шаҳарлардан 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия эвакуация қилинди. Кўчириб келтирилган олий ўқув юртлари, кўпгина илмий тадқиқот институтларининг республикада бўлиши Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртларини бутун ўқув ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини Марказ даражасига яна ҳам яқинлаштириш имконини берди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

1941 йил кузида СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик, Тарих, Жаҳон адабиёти, Моддий маданият тарихи ва бошқа илмий тадқиқот институтлари Тошкентга кўчиб келди. СССР ФА академиклари В.В. Струве, Б.Д. Греков, академиянинг мухбир аъзолари Е.Э. Бертельс, А.Ю. Якубовский, В.Ф. Шишмарёв, А.А. Михайлов, профессор С.П. Толстов сингари мамлакатнинг кўплаб йирик олимлари Тошкентда иш олиб бордилар[3].

СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси И.В. Сталиннинг 1943 йил сентябрдаги қарори асосида СССР ФА Ўзбекистон филиали (УзФАН) негизида 1943 йил 4 ноябрда, Иккинчи жаҳон урушининг энг қизгин палласида, Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил топди. Таниқли ўзбек математик олими Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий (1897-1970) академиянинг биринчи президенти қилиб сайланди. Аввалда мавжуд бўлган Тил, адабиёт ва тарих институти эса Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда Тарих ва археология институтларига ажратилиб, янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР ФА таркибига киритилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон олимлари ўзларининг илмий фаолияти билан мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришга, самарали ишлари билан мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ҳарбий кудратини оширишга ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшдилар. Бу ишда уларга уруш йилларида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган РСФСР ва бошқа иттифокдош республикаларнинг олимлари ҳам анча-мунча ёрдам кўрсатдилар. Фақат Тошкентнинг ўзига мамлакатнинг таниқли илмий ходимларидан 375 киши келган бўлиб, улар республика имкониятларини иложи борича уруш эҳтиёжларига кўпроқ жалб қилиш йўллари қидириб топишга, илмий муаммоларни ҳал қилишга ва маҳаллий илмий кадрлар тайёрлашга ёрдам берган эдилар.

Уруш йилларида В.Струве, В.Шишкин, Е.Бертельс, И.Додонов, В.Зоҳидов, Н.Иноятов, А.Якубовский, М.Массон, С.Толстов, Я.Ғуломов Ўзбекистоннинг энг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, маданияти, этногенези бўйича асарлар тайёрлади, икки жилдлик “*Ўзбекистон халқлари тарихи*” устида иш олиб бордилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Тарих факультетида кўплаб таниқли тарихчи олимлар: П. Солиев, А. А. Семенов, В. Н. Кун, М. А. Андреев, К. Е. Житов, И. К. Додонов, П. А. Ковалев, Р. Фармонов, Ю. А. Соколов, А. П. Савицкий, М. Е. Массон ва бошқалар фаолият олиб борган. Шу йилларда факультетда В. В. Струве, С. Н. Волк, С. В. Бахришин, В. И. Авдиев, Д. Греков, И. П. Петрушевский, М. В. Нечкин, А.Ю. Якубовский каби йирик тарихчилар талабаларга дарс берган ҳамда тарих фанларини ўқитишнинг илмий-методик базаси, назарий-методологик асосини шакллантиришга хизмат қилганлар[4].

Тарих факультети ташкил топган 1935 йилда Пўлат (Бекбулат) Мажидович Солиев Ўзбекистон Давлат университетидида Марказий Осиё тарихи кафедрасининг биринчи мудир, биринчи ўзбек тарихчиси ва профессори, Ўрта Осиёда янги тарихшунослик илмий мактабининг асосчиларидан биридир. П.Солиев Ўзбекистоннинг қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган тарихига оид йирик асар тайёрлашда фаол иштирок этган. Қуръоннинг биринчи академик таржимасини амалга оширди ва уни ўзбек тилида шарҳ билан таъминлади. Пўлат Солиев асос солган мазкур кафедра аъзолари иккинчи жаҳон уруши йилларида салмоқли ишларни амалга оширди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиё университетидида Ўрта Осиё тарихидан таниқли олим, тарих фанлари доктори Александр Александрович Семенов дарс берган. 1941 йил июнь ойида Гўр Амир мақбарасидаги Темурийлар дафнларини ўрганиш экспедициясида иштирок этди. У Марказий Осиё тарихи бўйича манбашунослик курсини, археология йўналиши бўйича Араб палеографияси, Ўрта аср Ўрта Осиё метрологияси ва Шарқ хронологияси курсларини ўқитган. А. А. Семенов Ўрта Осиё халқлари орасидан бир неча авлод тадқиқотчиларини ўз ичига олган илмий мактабнинг яратган олим. Ажойиб хотира ва катта билимга эга, қарийб олтимиш йил давомида Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг кузатувчиси бўлган А.Семенов 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди.

Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган тарихчи олимлардан В. В. Струве, И. П. Петрушеевский, М. В. Нечкиналар Ўрта Осиё университетининг профессорлари сифатида талабаларга дарс бериш билан бирга ўзбек олимлари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини ҳам ташкил қилишган.

Маълумки, Хоразм воҳасида А.Якубовский, Я.Ғуломов ва С.П.Толстов бошчилигидаги экспедициялар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Ушбу экспедициялар давомида олинган натижаларига асосланиб асарлар

ёзишди ва уларнинг ҳозирги кунгача илмий аҳамияти катта бўлиб қолмоқда. А.Якубовскийнинг “Кўҳна Урганч харобалари”, Я.Ғуломовнинг “Хиванинг меъморий обидалари”, “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарлари шулар жумласидандир.

С.П.Толстовнинг “Қадимий Хоразм”, “Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб” асарлари ҳам дунё илму фанида катта нуфузга эга. Ушбу асарларга асос 1937 йилдан бошланган экспедиция материаллари бўлиб, улар орасида иккинчи жаҳон уруши даврида олиб борилган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд. 1941 йил 22 июнида иккинчи жаҳон урушининг бошланиши туфайли кўпчилик қатори С.П. Толстов ҳам кўнгилли бўлиб урушга отланди. Оғир артиллерия капитани С.Толстов Москва атрофларидаги жанглардан бирида оёғидан яралангач, заҳирага олинди ва илм-фан билан янада мустаҳкам шуғулланиш ниятида Хоразмга қайтиб келди.

У археологияда биринчи бўлиб топографик суратга олиш ишларида аэропландан кенг фойдаланди. Олиб борилган дастлабки текширишларидаёқ топилган ашёвий далиллар Толстовнинг илмий фаразлари тўғрилиги-қадим қалъалар кум барханларига ўз сирларини бекитиб олганини кўрсатди. Шу тариқа 1943 йилдан бошлаб экспедиция кўплаб қалъаларни ўрганишда давом қилди. С.П.Толстов бошчилигидаги экспедиция шу тарзда иккинчи жаҳон уруши давом этаётган даврдаги қийинчиликларга қарамай, Хоразм воҳасида археологик тадқиқот ишларини олиб борди ва катта илмий натижаларга эришди. С.П.Толстовнинг бу илмий натижалари ва юқорида қайд этилган асарлари С.П.Толстовнинг номини илму фан тарихига абадий киритди.

С.П.Толстовнинг шогирдлари ичида этнограф ва файласуф олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Исо Жабборов алоҳида ўрин тутди. Чунки, олим кўп йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университетида Этнология кафедрасининг асосчиси ва мудир (1973-1997 йиллар) сифатида фаолият олиб борди. Унинг илмий ишлари этнология, тарих, фалсафа, диншунослик муаммоларига бағишланган. Ўз фаолияти давомида 14 нафар фан номзоди, 4 нафар фан докторини тайёрлади. Унинг 30 дан ортиқ монография, дарслик, рисоалари, 300 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари нашр этилган.

Исо Жабборов 1995 йилда «Шухрат» медали билан мукофотланган. Унинг Г. Дресвянская билан ҳаммуаллифликдаги “Руҳлар, авлиёлар, Ўрта Осиё худолари. Дин тарихи очерклари” (“Духи, святые, боги Средней Азии. Очерки по истории религии”, Т., 1993) китоби хитой тилида нашр қилинган (Пекин, 2002). Шунингдек, олим “Кўҳна харобалар сири”, “Жаҳон халқлари этнографияси”, “Ўзбек халқи этнографияси”, “Антик маданият ва маънавият хазинаси”, “Буюк хоразмшоҳлар давлати” каби асарларни ёзди. Бугун унинг

шогирдлари Ўзбекистонда этнология фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Археолог, тарихчи, шарқшунос М.Е. Массон Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. У 1940-1968 йилларда Ўрта Осиё университети археология кафедраси мудири лавозимида фаолият юриб, Ўрта Осиё тарихи, археологияси, меъморчилиги, нумизматикасини ўрганиб, йирик кашфиётлар қилди ва бир қанча йирик шаҳарларда жумладан, Самарқанд, Шаҳрисабз, Туркистонда катта археологик экспедицияларга бошчилик қилди ҳамда ноёб топилмалар орқали Ўрта Осиё моддий ва маънавий маданиятини бойитди.

Ўрта Осиёда археология фанининг асосчиларидан бири бўлган М.Е.Массон Ўрта Осиё тарихининг турли даврларига оид катта илмий изланишлар олиб борди. 1945 йилда М. Е. Массон томонидан Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларидаги тадқиқотлар натижасида Термиз шаҳри, Наманган вилояти, Қарши шаҳри атрофларида катта ҳажмда тадқиқот ишлари ўтказилди. М. Е. Массон томонидан олиб борилган қидирув ишлари туфайли Афросиёбда сомонийлар саройи (IX аср), Айритомда фриз бўлаклари, будда ибодатхонаси, Тункат шаҳар харобалари топиб ўрганилди. У 1945 йил февраль ойида ЮТАКЭ раҳбари сифатида Каспий денгизидан Ўрта Амударёгача бўлган ҳудуднинг қадим тарихини ўрганишга киришди. Бундан ташқари у Ўрта Осиё тарихи, айниқса, нумизматикаси ва Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарлари тарихий топографияси, қончилик тарихи, меъморлиги, эпиграфика бўйича илмий йўналишлар муаллифи саналади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тарих соҳасида фаолият олиб борган яна бир таниқли олим Яҳё Ғуломов Ўзбекистонда тарих ва археология соҳалари бўйича ўзига хос байналмилал илмий мактаб яратган. 1938-50 йилларда Хоразм археология-этнография экспедиция бошлиғининг ўринбосари сифатида қатнашиб, Хоразмнинг суғорилиш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиш тарихи бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган. «Хива шаҳрининг ёдгорликлари» (рус тилида, 1941 йил), «Қуйи Зарафшон водийсида ибтидоий маданият ва суғорма деҳқончилигининг пайдо бўлиши» (рус тилида) каби асарлар ёзган. «Ўзбекистон тарихи» (4 жилдли), «Самарқанд тарихи» (2 жилдли), «Бухоро тарихи»нинг асосий муаллифларидан.

Юқорида қайд этилганидек, Тарих факультети 1935 йилда ташкил этилиб, иккинчи жаҳон уруши йилларида тарихчи олимлар сермахсул фаолият олиб боришди. Факультет таркибида Қадимги дунё тарихи, Археология, Ўрта ва замонавий давр тарихи (кейинчалик Жаҳон тарихи бўлимига айлантирилди),

Манбашунослик, Архившунослик ва Музейшунослик ва Этнология кафедралари фаолияти йўлга қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон тарихи кафедраси – 1938 йилда ташкил топган. Дастлаб, Ўрта Осиё тарихи кафедраси деб номланиб, унга т.ф.н. проф. К.Е.Житов раҳбарлик қилган. У 1941-1945 йилларда Иккинчи Жаҳон урушида қатнашган. Иккинчи Жаҳон уруши йиллари кафедра ҳаётида ҳам из қолдирган, қатор профессор-ўқитувчилар фронтга қўнгиллилар қаторида жўнаб кетишган. Ўша даврда фронт учун зарур бўлган аскар тайёрлашга киришган, госпиталларда маърузалар билан иштирок этишган.

1942 йилда Ўзбекистонга Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан кўплаб олимлар, профессор-ўқитувчилар эвакуация қилиниб, ўқув жараёнга жалб қилинган ва айнан шу пайтдан, 1942 йил февраль ойидан бошлаб кафедранинг СССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси А.Ю. Якубовский бошқарган. Кафедра ўқув жараёнида зарур бўлган илмий-услубий адабиётлар, долзарб масалаларга оид фанлар жорий этилиши давом эттирилган. Шу давр давомида кафедра ва факультетда илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий ишларни юқори савияда ташкил этилганлиги учун А.Ю. Якубовскийга университет раҳбарияти томонидан Ташшакурнома ва миннатдорчиликлар эълон қилинган.

Илм-фан ва таълим ривожини уруш туфайли тўхтаб қолмади. Урушдан кейинги йилларида биринчи маротаба талабалар илмий ишлари тўплами ҳам 1949 йилда кафедра аъзолари иштирокида нашр этилди ва кафедра профессор-ўқитувчи ва талабалари учун доимий анъанага айланди. 1953 йилни январь ойидан бошлаб “Тарих факультети олимлари асарлари” рукнида доимий равишда илмий-услубий тўпламлар чиқа бошлади. Буларни тайёрлашда факультет профессор ўқитувчилари иштирок этиб, улар Ўрта Осиё тарихининг долзарб масалаларга бағишланар эди.

Ҳозирги кунда ҳам Иккинчи жаҳон урушининг шонли ва ибратли жиҳатларини ҳамда фожиага оқибатларини архив маълумотлари асосида ҳолисона ўрганиш давом эттирилмоқда. Тарихчиларнинг илмий тадқиқотларида бу фожиага уруш ҳақида янги хулосалар айтилиши шубҳасиз. Иккинчи жаҳон уруши даврига оид хорижий музей экспозициялари ва архивлари фондларини ўрганиш, Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини илмий асослаш учун мақсадли, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш асосий вазифа ҳисобланади.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади[5]. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан

иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументларини, тарихий-бадий экспозицияларни ўз ичига олган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

ХУЛОСА

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон тарихининг шонли давридир. Уруш йилларида кўрсатилган қаҳрамонлик халқимиз қалбида мангу қолади. Ўзбекистонда уруш фахрийларига, уларнинг оилаларига кўплаб ёрдамлар бериб келинмоқда, уларга имтиёзлар яратилган. Республика фахрийлар уюшмасининг ташаббуси билан фашизм устидан қозонилган ғалаба муносабати билан қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан ҳозирги кунларда яшаётган уруш фахрийларини қадрлаш, эъзозлаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйишдек улуғвор инсоний ишлар ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

ҲОЙДАЛАНГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4495-сон қарори.
2. «Правда Востока», 5 апреля 1995 г. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон.
3. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Т. IV. - Б. 123.
4. Эргашов Ҳ. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ҳақида маълумот. - Т.: “Университет”, 2003. 166-180 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4820-сон Қарори // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 10 сентябрь.

Муминов А. Г.

д.п.н., профессор кафедры «Истории Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана
alisher.nuuz@gmail.com

Эрназаров Ш. Э.

PhD., старший преподаватель кафедры «Истории Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана
shernazarov61@mail.ru

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИСТОРИКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена совместной научно-исследовательской работе историков в Узбекской ССР в годы Второй мировой войны, а также их роли в проведении новых научно-исследовательских работ.

Ключевые слова: Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, прибалтийские республики, Москва, Ленинград, Киев, Минск, Воронеж, узбекский филиал АН СССР, В. Струве, В. Шишкин, Е. Bertels, И. Додонов, В. Захидов, Н.Инояттов, А.Якубовский, М.Массон, С.Толстой, Я.Гуломов.

Muminov A. G.

DSc., professor at the department of «History of Uzbekistan»
National University of Uzbekistan
alisher.nuuz@gmail.com

Ernazarov Sh. E.

PhD., senior lecturer at the department of «History of Uzbekistan»
National University of Uzbekistan
shernazarov61@mail.ru

YEARS OF WORLD WAR II ACTIVITIES OF HISTORIANS IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article will be devoted to the joint scientific research work of historians in the Uzbek SSR during the Second World War and their role and role in revealing unknown pages of the history of these years.

Keywords: Russian, Ukrainian, Belarusian, Moldavian, Baltic republics, Moscow, Leningrad, Kiev, Minsk, Voronezh, FA Uzbek branch of the USSR (Uzfan), V.Struve, V.Shishkin, E.Bertels, I.Dodonov, V.Zahidov, N.Inoyatov, A.Yakubovsky, M.Masson, S.Tolstoy, Ya.Gulomov.